Пайшанба кўни Европа Марказий банки (ЕМБ) еврозодаги устама фоизларни олдингидек жўда паст даражада қолдирди қарор қилди. Ҳозир қайта молиялаш устамаси 2 фоизни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, тахлилчилар ва халқаро иқтисодчиларнинг фикрича, ЕМБ АҚШ долларини мустаҳкамлаш учун интервенция сиёсати (яъни иқтисодий давлатнинг аралашуви)ни олиб бормаиди, чўнки бу у қадар катта муваффақият келтирмайди. Дарвоқе, валюта бозорларида доллар курсининг тушиши давом этган. Мутахассисларнинг фикрича, АҚШ валютасига ўз экспортчи компаниялари манфадатлари учун доллар сотиб олаётган Япониягина эмас, балки кўпда давлатлар, хусусан, АҚШнинг ўзи ҳам аралашуви лозим бўлган оммавий валюта интервенцияси ёрдам бериши мумкин.

ОПЕКнинг янги режалари

Агар нархлар тушишда давом этса, ОПЕК нефть қазиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳажминини қисқартириши лозим. Қувайт нефть вазири Аҳмад Фаҳд ал-Аҳмад ас-Сабоҳ шундай фикрни илгари сурди. «Биз дунё нефть нархларининг тушиб бораётганидан ташвишдамиз», деди Аҳмад ас-Сабоҳ. Унинг фикрича, ОПЕК кўнлик нефть ишлаб чиқариш ҳажминини 27 млн. баррелга тушириши, шунингдек, дунё бозоридеги нарх бир баррелга 32-35 доллар бўлиши лозим.

Эслайтиб ўтамиз, ўтган ҳафтанинг жўма кўни нефть нархлари шиддат билан пасайиб, 1991 йил январда — Ироққа қарши биринчи кампания даврида ҳам бўлмаган кўрсаткичга тушиб кетди. 2004 йил 3 декабрдаги савдо-ларча International Petroleum Exchange (Лондон) ва New York Mercantile Exchange (Нью-Йорк) биржаларида нархлар 39,36 баррел/доллар деб белгиланди. Тахлилчиларнинг фикрича, нарх тушишининг асосий сабаблари ноябрь ойида иш ўринларининг қўпайгани, кўп мамлакатларда нефтдан пенсия ва бошқа инвестиция жамғармаларининг ажратиб олинганлиги, ноябрь тугаши ва қиш келиши билан бошқа ёқилги ресурсларига эҳтиёж ортиши, ОПЕК мамлакатларининг 2005 йил биринчи чорагида амалдаги нефть ишлаб чиқариш ҳажминини сақлаб қолиш хақидаги қарори қабилардир.

Доллар яна тушади. Агар бунга йўл қўйишса

Дунё молиявий янгилликлар агентликлари йирик валюта бозорларидаги энг машҳур иқтисодчилар, тахлилчилар, инвесторлар ва трейдер(савдогар)лар (жами 59 нафар) ўртасида сўров ўтказди. Уларнинг учдан икки қисми (41 нафар) доллар ўрнига евро сотиб олишни маъқул кўрмоқда. Тахминан шунча респондент британ фунти (37 нафар), швейцар франки (42 нафар) ва япон иенаси (41 нафар)ни харид қилишни мақсадга мувофиқ деб билди.

Қолган мутахассислар айни пайтда ҳеч қандай валюта операциясини амалда оширмайлик тарафдорли. Бу вазиет евронинг тез қимматлашаётгани «маъқул эмаслиги» хақида ЕМБ раҳбари Жан-Клод Трише баёноти билан алоқадор бўлиши мумкин. Евронинг қўпайиши қатор жанубий-шарқий Европа мамлакатларининг валюта операцияларида еврога ўтиши билан изоҳланади ва нима бўлган тақдирда ҳам, ЕМБ томонидан дунё бозориде давом этаётган жараёнларга суъий таъсир ўтказиши қўмқилимаяпти. Сўнгги пайтда тарқатилган маълумотларга қараганда, жаҳон мамлакатлари марказий банкларининг глобал даражада бирлашуви учун Америка валютасининг еврога нисбатан нархи 1,33-1,40 даражага тушиши керак. Бирок, кўпчилик мутахассисларнинг таъмин қилишича, бу кўрсаткич энг камида келгуси йилининг ўрта-лариде юзага келади. Шу йил декабрь ойининг охирида 1 евро 1,33 АҚШ долларига тенг бўлади, деб ҳисобламоқда АВН Алго иқтисодчилари.

АҚШ ЖСТ қарорига бўйсунмади

Биз импорт маҳсулотларга божни ўта аранолаштиришни ноқонуний деб эълон қилган ЖСТ қарорига бўйсунмади, деб баёнот берди Қўшма Штатлар раҳбарияти. Президент Буш АҚШнинг бу борадаги иқтисодий сиёсатини жаҳон талабларига мослаштириш учун конгрессни қўндиришга ҳаракат қилишини айтди. У ЖСТ Япония, Европа Иттифоқи ва бошқа айрим мамлакатларга жавоб чораси сифатида АҚШ товарларига ўз тарифларини белгилаш учун рўхсат бергандан сўнг шундай чиқиб килди.

Ташкилот АҚШда ўз хоржий рақибларининг «нотўғри» савдо усуллари хақида хабар берган Америка компанияларига давлатдан ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи Берд тузатиши тўғрисида, 2005 йилда Қўшма Штатларга нисбатан 150 млн. доллар миқдориде жазо чораси қўрилиши мумкинлигини маълум қилди. ЕИ ва Япония ЖСТга чекловга тортилган АҚШ маҳсулотлари рўйхатини тақдим қилган. Улар орасида — маккажўҳори, металл ва тўқимачилик маҳсулотлари бор.

Америка вакиллари АҚШ айни пайтда мамлакат савдо манфадатларини ҳимоя қилган ҳолда, ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришини билдирди. Бирок Канада, Бразилия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Мексика ва Чили Қўшма Штатларнинг ташқи савдо сиёсатидан норозилигини маълум қилган.

Мажбурият бажарилмагач...

Британиянинг Oxfam инсонпарварлик агентлиги маълум қилишича, яқин ўн йил мобайнида ер юзида 45 миллионга яқин бола нобуд бўлиш эҳтимоли бор. Бунга эса ривожланган давлатлар томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамларнинг қониқарли эмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

Агентлик тайёрлаган маърузада айтилишича, АҚШ, Германия ва Япония каби давлатлар 1970 йилда олган мажбуриятларини тўлиқ бажаришмаяпти. Юқорида номлари санаб ўтилган давлатлар 1970 йилги шартномага биноан ўз йил миллий маҳсулотларининг 0,7 фоизи миқдориде ривожланаётган мамлакатларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишлари лозим.

2005 йил кичик грантлар дастури

Ўзбекистондаги Жаҳон банкининг ваколатхонаси ўзининг кичик грантлар дастурини эълон қилади.

Дастур хақида. Кичик грантлар дастури (КГД) 1983 йилда ташкил этилган бўлиб, халқаро ривожланиш бўйича Жаҳон банки учун ўз лойиҳаларидан ташқари бўлган тадбирларда икки томонлама мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва маълумотларни тарқатиш имкониятини беради.

Кимлар ариза бериши мумкин? КГД томонидан қўллаб-қувватланадиган фаолиятлар икки томонлама мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва маълумотни тарқатишга қаратилган ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнини қўллаб-қувватлашда асосий иштирок этувчилар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. 2005 йилги КГД асосий эътиборни қўйдаги фаолиятларда қатнашувчи нодавлат ташкилотлардан келадиган тахлилларга қаратади: иқтисодий ва ижтимоий сиёсат масалалари бўйича мамлакат ичидеги баҳслашувларга қўмқилиш; махаллий даражада, минг йиллик ривожланиш мақсадлари/камбағалликни тугатишга боғлиқ ҳолда, жамоат хизматлари, очиқ-ойдинлик ва жамоат ҳисоботини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни қўллаб-қувватлаш.

Тақдим қилинадиган грантларнинг ҳажми қандай? 1000 АҚШ долларидан 7000 АҚШ долларигача бўлган миқдорда алоҳида грантлар ажратилиши кутилади. КГД тақлиф қилинаётган фаолият харажатларининг фақатгина 50 фоизини маблағ билан таъминлайди. Ўшбу фаолият грант тақдим этилган кундан бошлаб бир йил муддат ичиде қўнқулаши керак. Ариза берувчи ташкилотлар бошқа донорлардан маблағлар олишда Жаҳон банкининг КГД гранти уларга қандай ёрдам беришини изоҳлаб беришлари талаб қилинади.

Қандай ариза берилади? КГД бўйича кўрсатмалар ва грантга ариза бериш намунасини олиш учун Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: 700084, Тошкент ш., Амир Темура кўчаси, 107-В, Халқаро бизнес маркази, 15-қават ёки Жаҳон банкининг интернет саҳифасидан: www.worldbank.org.uz. Аризаларни 2005 йил 20 январгача Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига «Кичик грантлар дастури, Ирина Цойнинг эътиборига» деган ёзув билан юқорида кўрсатилган манзилга юборилингиз лозим.

Факс: 138-59-51/52 ёки электрон манзил: itsoy@worldbank.org

ХАМАС тан олмаяпти

ХАМАС сиёсий бюроси раҳбари ўринбосари Мусса Абу Марзук Фаластинда янги ҳукумат шакллантирилган сўнг ҳам ташкилот Исроилга қарши қурашни давом эттиришни маълум қилди. Ҳукумат халқаро келишувлар асосида иш қўради, бирок бу ХАМАС фаолиятини тўхтатишга сабаб бўлмайди, деб таъкидлади у.

Маълумот ўрнида шунини айтиш лозимки, ХАМАС Есир Арофат ва Исроил ҳукумати ўртасида охириги мартаба эришилган тинчлик битимини ҳам тан олмаяпти.

O'ZSANOATQURILISHBANK

республика шў фуқароларини кириб келаятган байраш — Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси кўни билан табриклайди!

«Ўзсаноатқурилишбанк» республикамизда биринчи бўлиб, ўз дизайнига эга VISA тўлов чипли карточкаларни эмиссия қилишни бошлади. Пластик карточкалар миллий валютада, шунингдек, АҚШ доллариде чиқарилмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг VISA чипли карточкалари — бу сизнинг молия ва хизматлар дунёсига ташрифингиздир!

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан чиқарилган тўлов карточкалари ёрдамида республика аҳолиси нақд пул олиш, республикамизда ва хорихда товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ШУ ЕРДА ВА СИЗ УЧУН ИШЛАМОҚДА!
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Маълумот учун телефонлар: 120-43-39, 120-45-40.

Ботиржон ҲОҒУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Матлуботчилар қаддини тиклашмоқда

— Узоқ йиллар мобайнида савдо соҳасида турли вазифаларда ишладим. — ўз мулоҳазасини ўртага ташлайди Олтинқул савдо-ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамияти раиси Авазбек Абдушукуров. — Назаримда, бугунги кунда бозорчилар билан савдогарлар арасида кетганда. Аслида савдогар махсус билимга, тажрибага эга бўлмоғи ва ўз дўкониди амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда хизмат қилмоғи керак бўлади. Бозор — ўз номи билан бозор. У — деҳқонники, хунарманду чорвадорники.

Кейинги пайтда, айниқса, «савдогарлар» кўпайиб кетди. Уларнинг кўпчилиги бозорларимизни сифатсиз моллар, матоҳлар билан тўлдирди. Корхоналаримизда тайёрланган бежирим, чиройли, нафис буюмлар дўконларнинг пештахталаридан ўрин олмай, ўша усти ялтироқ, ичи қалтироқ матоҳлар билан аравалаш-куралаш бўлди. Оқибатда яқна тартибдаги бозор савдоси ривож топди. Бу нақд пул тушумининг кескин пасайишига олиб келди. Устига устак, қишлоқ матлуботчиларининг аксарияти бир пайтлар банкдан олган қарзларини узоқламай, инкирозга юз тутдилар.

Авазбек жамоага раҳбар этиб тайинланганида, жамиятнинг банкдан 30 миллион, солиқдан 12,5, нафақа фондидан 9, жойлардаги ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан 13 ва бошқа турли ташкилотлардан 5 миллион сўм қарзи бор эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бир хил корхоналар олтинқуллик матлуботчилар билан алоқани уздилар. Ахир, ким ҳам қарзи борга насяга маҳсулот беради? Еш раҳбарнинг зиммасида, оз эмас-кўп эмас, 72 миллион сўм қарзни узишдан ташқари ички имкониятлар ҳисобига қишлоқда савдонинг оёқга тургазиш, иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, ходимлар

манфаатдорлигини оширишдек зил-замбил вазифалар турарди.

Хўш, нима қилиш керак? Қандай йўл тугган маъқул?

— Олма пиш, оғзимга туш, деб қараб ўтирмадик, — сўзида давом этади Авазбек, — маблағ топиш, дўконларни маҳсулотларга тўлдириб, хувилаб ётган биноларни ўнглаш талаб этиларди, — уч йил наридаги манзарани кўз олдига келтиридик.

— Уйлай-уйлай, бир тўхтама келдик. Хисоб-қарз марказини ташкил этдик. Ходимлар кўлида бўш турган пулларни жамладик. Йигирма миллион сўм тўланди. Уша пул жонимизга оро кирди. Аҳоли ун, ўсимлик ёғи, шакар каби кундалик эҳтиёж маҳсулотларини излаб шаҳарга қатнаш ташвишидан кутулди.

Елкамизни оғир юк бўлиб эзаётган қарздорликдан кутулишимизнинг яна бир омилли шу бўлдики, илгарги тасарруфимизда бўлган, кейинчалик хусусийлашган йигирмага яқин дўкон эгалари билан шартномалар туздик. Улар билан ҳамкорликда ишлаб бошладик. Дўконларимиз сони 35 тага етди. Шундай қилиб, пул айланиши икки баравар кўпайди. Ҳозир ойига 100 миллион сўм атрофида нақд пул топишаримиз банкка.

Ҳақиқий савдогар тайёр маҳсулотлар олди-сотдиси билангина шугулланиб қолмаслиги лозим. У қайси манбалардан қанча пул чиқиши мумкинлигини яхши билимоғи, ички имкониятлардан самарали фойдаланмоғи лозим. Ушанда бири икки бўлади. Масалан, собиқ райпо тасарруфида бўрдоқчилик корхонаси бор эди. Унинг ихтиёрида озуқа экинлари етиштириш учун ажратилган гектарлаб экин майдонлари ҳам мавжуд. Бирок кўп жойларда бўрдоқчилик корхоналари иши орқага кетгани сир эмас. Мен

бунинг сабабини, аввало, ерларга бошқа экинлар жойлаштирилаётганида, деб биламан. Иккинчидан, ўша жойларда мекнат интизоми, назорат сусайтириб юборилган. Оқибатда ташмачилик, талон-торожлик сингари иллатлар содир бўлмоқда.

Олтинқуллик матлуботчилар, қийинчилик билан бўлса-да, бўрдоқчиликни йўлга қўйиб олдилар. Фермада бўлган кишининг бахридини очилди. Ҳамма ерда саранжом-сариталик, 120

бош новвос, олтмишга яқин бўрдоқи қўй боқувда. Махсус бостирмаларда шелуха, кунжара, омихта ем сақланмоқда. Урада 800 тонна силос сақланаётди.

— Уч нафар молбоқаримиз шунча ҳайвонни парвариш қилапти, — сухбатга қўр киритади корхона раҳбари Шаҳобиддин Абдуллаев. — Туманимиздаги шиофхоналар, мактаблару боғчаларга ҳар ойда 2,5-3 тоннадан гўшт етказиб бераймиз. Нарҳиям бозорикидан анча арзон. Келгуси йилдан бошлаб сут ҳам ўзимиздан чиқади. Кўп сут берадиган ун бош наслдор сигир олдик.

Раис Шаҳобиддиннинг яна бир сирини ошқор этди:

— Паррандани етти хазинанинг бири, дейишади. Шаҳобиддиннинг йигитлари, ҳадемай, ўша хазинагаям эга бўлишмоқчи. Бунинг учун имкониятлари етарли.

Атиги уч йил ичида ўз қаддини тиклаб олган матлуботчилар даромадни кўпайтиришнинг янги қирраларига қўл ураётгани ҳам ибратли. Чунончи, махсус цехда йилига 15-20 тонна макарон маҳсулотлари тайёрланаётган бўлса, қандолатчилар халқ таълими тизимига ҳар ойда 2,5-3 тонна ширинликлар етказиб бермоқда. Новвойларнинг хуштаъм нонлари эса қўлма-қўл бўлаётди.

Матлуботчилар аҳоли хонадониди мол-қўй кўплигини ҳисобга олиб, кунжара ва шелухани дўконларда сотишни ҳам йўлга қўйдилар. Бунинг учун улар вилоятдаги мавжуд ёғ-мой корхоналари билан шартномалар тузишди. Дўкондорлар эса уни сотиб, нақд пул тушумининг кўпайишига ўз улушини қўшарди. Чунончи, бир ойда 180 тонна ем сотилиб, ўн миллион сўм атрофида нақд пул банка топирилди.

— Яқин-яқиндаям қарз-ҳавола кўтариб кун қўрардик, — эътироф этишди матлуботчилар. — Энди эса қўлимиз пул қўрарди. Фермадагилар 35-40 минг сўмгача иш ҳақиға эга бўляпти. Утган йили етти миллион сўм атрофида соф фойда қўрган эдик. Ҳар бир акциямизга 132 сўмдан дивиденд теғди. Бу йил фойданинг ўзи ўн миллион сўмдан кам бўлмайди. Ҳар бир акцияга 300-350 сўмдан дивиденд берилиши кутилмоқда.


Сир эмас, қишлоқдаги йирик универмаглarning кўпи бекор турибди. Олтинқулликлар ўша дўконларнинг хайхотдай залларини қишлоқ хунармандлари томонидан тайёрланган бежирим, нафис, харидоргир буюмлар, мебеллар билан тўлдирмоқдалар. Харидор шу ерда бўлсин, ўзи ёқтирган нарсасини олсин. Унинг сифати, чидамиллигига кафолат эса дўкон зиммасида бўлсин.


Биз матлубот жамияти ховлисида бўлганимизда, раис бўш ётган ерларда ёнғоқзор ташкил этмоқчилигини айтди. Жамиятнинг бўшаб қолган кенг ва ёруғ хоналарини спорт залига айлантирганини, маҳалла ёшлари бўш вақтларини кўпинча шу ерда ўтказётганидан хабардор қилди.

Ишласа, изланса ютуқлар бўлар экан-ку!

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Тажриба аҳли ашаббус






АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Уздунробита» компанияси жамоаси Сизларни умумхалқ байрами —

КОНСТИТУЦИЯ КУНИ БИЛАН

муборакбод этади ва барчангизга саломатлик, бахт, фаровонлик, омад тилайди!



www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz Хизматлар лицензиялаштирилган

Сизнинг имзоингиз — хар қандай сейфдан афзал!

Аксарият ҳолларда ўғрилари уйда сақланадиган пуллар қизиқтиради. Сизда American Express чеклари бўлса, нақд пулларингиз йўқолишидан хавотирланмасангиз ҳам бўлади. American Express чеки уйда сақланаётган нақд пулларингизни хар қандай қулф ва сейфлардан яхшироқ асраш имкониятини яратди.

American Express чекларини истаганингизча узоқ муддат сақлашингиз мумкин, чунки уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдалана оласиз. Агар чекларни йўқотсангиз ёки ўғирлатсангиз, уларни эмитент (одатда 24 соат ичида) тиклаб беради.

American Express — халқаро молиявий корпорациядир. Мазкур корпорация 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, иқтисодий вазиятдан қатъи назар, чекларнинг тўловини таъминлайди.

American Express чеклари — пулни уйда ва сафар чоғида асраш имкониятидир. Улар бутун дунёдаги миллионлаб молиявий ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

American Express чекларини Миллий банкнинг яқин ўртада жойлашган муассасасида харид қилишингиз мумкин.

American Express

American Express чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.





ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим/филиалига, алмашув пунктларига мурожаат қилишингиз мумкин.
Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09 www.nbu.com
Йўқолган чекларни тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29 www.amex.uz

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

Micros®

CAS

Биз бутун жаҳонни ўлчаймиз

700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а
Тел.: (371) 133-85-77, 120-68-61
132-06-61; факс: (371) 132-06-85

КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ

Ҳар қандай кўринишдаги **ЭЛЕКТРОН ТАРОЗИЛАР**

Товар сертификатланган

САВДО УЧУН ЕРГА ЎРНАТИЛАДИГАН КРАНЛАР УЧУН ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ ОМБОРХОНА УЧУН АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРОЗИСИ

e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz

Мовароуннахр кўч, 19
Тел.: (371) 133-53-79

"Lok Kolor Sintez" *корхонасиздан янгилик*

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА ИШЛАТИНГ!

БИНОЛАРНИНГ ОЛД ТОМОНИ УЧУН СУВ БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИГАН АЖОЙИБ МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

«ПЕНЕТОН»
шимдиргичи силикатли пойдеворлар тешикчаларига чуқур кириб бориб, уларнинг уст қатламини пишиқ ва мустаҳкам қилади ҳамда сувни ўзига тортишни камайтиради.

«БИНОПРУНТ»
грунтовкаси бўёқнинг бетонга бўлган адгезиясини яхшилайти ва бўёқнинг сарфланишини камайтиради.



Ранг-баранг **«БИНОФАС»**
бўёғи бино олд томонини химоялайди ва унга чирой беради.

Товар сертификатланган.

Мўлов — нўл ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@rol.uz www.TITP.uz



Миллий иқтисодий тараққиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нақадар катталигини халқаро амалиёт, қолаверса, Ўзбекистоннинг ўз тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди.

Хусусий шўъбанинг жадал ривожланиши худудий номунасобликни бартараф этишда, аҳоли турмушининг иқтисодий шарт-шароитини яхшилашда ёрдам беради. Нега? Айни кичик корхоналар истеъмолчилар талаби ўзгаришига энг тез мослашади, ўз фаолиятини ташкил этиш учун камроқ ресурслар талаб қилади, бозордаги аҳоли ўзгаришига қараб ўз иш йўналишини нисбатан беаҳамат ва тез ўзгартира олади. Ўз навбатида, давлат тадбиркорлар манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан зарур даражада ҳимояланишини таъминлайди ҳамда кредит ресурсларидан доимий фойдаланиши учун таъсирчан механизм яратишга интилади. Бунинг натижасида бизнес имкониятлари анча кенгайди.

Хусусий бизнес соҳасининг тараққиёти банк тизимининг, хусусан, мамлакатимиз етакчи банки бўлган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ("Ўзмиллийбанк")нинг молиявий аҳолига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Бу ҳақда батафсилроқ сўзлаб беришни сўраб биз "Ўзмиллийбанк" бошқаруви раисининг ўринбосари Б.Нуруллаевга мурожаат қилдик.

— Банк-молия тизими мамлакатимиз иқтисодиётида ижобий ўзгаришларга эришилшида тобора сезиларлироқ аҳамият касб этмоқда — дейди, Ботир Уткирович. — Аввало, энг соҳага берилаётган кредитлар натижалари, хусусий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар, замонавий технологияларни олиб келаётган хорижий инвестициялар ҳажмлари ўсиб бораётгани шундан далолат беради. Масалан, шу йилнинг 9 ойи мобайнида кичик бизнесга ажратилган банк кредитлари ҳажми 269,5 млрд. сўмни, жумладан, микрокредитлар 27,2 млрд. сўмни ташкил этди. Ажратилган маблағлар умумий ҳажмида ўртача ва узоқ муддатли кредитлар асосий ўринни эгаллаган бўлиб, бу қўрсаткич 67,7 фоизга тенгдир.

Миллий банк мамлакатимиз тадбиркорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган, у сармоя ва активлар ҳажми, кўрсатилмаётган хизматлар ва бажарилаётган операциялар доираси каби асосий кўрсаткичлар бўйича пешқадамлик қилиб, амалда ўзининг универсаллигини исботлаётган ҳамда ҳақли равишда ишончли ва самарали кредит-молия муассасаси сифатида обрў қозонмоқда.

"Ўзмиллийбанк" республикамизнинг барча минтақаларида жойлашган ўз бўлим ва филиаллари кенг тармоғи орқали Ватанимиз тадбиркорларига замонавий молия хизматларини тақдим этаётган.

Миллий банкнинг халқаро нуфузи ҳам барқарор равишда оқорилигича қолмоқда. Хозирги вақтда "The Banker" наشري белгилайдиган жаҳоннинг 1000 та энг катта банки рейтингига "Ўзмиллийбанк" 562-ўринни эгаллаб турибди. Яна бир нуфузли халқаро журнал — "Global Finance" эса "Ўзмиллийбанк"ни Ўзбекистоннинг 2004 йилдаги энг яхши банки, деб эътироф этди.

— Жаҳондаги халқаро молия муассасаларидан ресурсларнинг жалб этилиши республика тадбиркорлар синфи қарор топиши учун катта аҳамиятга эга. Миллий банк бу йўналишда қандай ишларни амалга ошираётган?

— Миллий банк ҳуқуматнинг юксак ишончи ва доимий қўмағидан фойдаланиб, мамлакатимиз бизнесидаги экспорт учун мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни молиялаш учун хорижий инвестицияларни жалб этишда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон Миллий банки: ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ МОЛИЯЧИСИ

Хусусан, кичик бизнес лойиҳаларини молиялаш учун бир қанча хорижий кредит йўналишларини жалб этиб, муваффақиятли ўзлаштириб келмоқда. ОТБ (I, II), ЕТБ (I, II), ХМК, ҚФВ, ОПЕК Фонди, шунингдек, айрим халқаро экспорт-импорт агентликларининг кредит йўналишлари доирасида банк иқтисодиётнинг мазкур шўъбасига 315 млн. АҚШ долларини жалб этгани бунинг тасдиғидир.

Ташқи иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз борар экан, "Ўзмиллийбанк" билан Ислон тараққиёт банки (ИТБ) ўртасидаги шериклик муносабатлари жорий йилда анча фойдаланилганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

ИТБ фаолиятида сира учрамаган мана бу далиллар ҳам шундан далолат беради:

— ИТБ ташкил топганидан буён ўтган бутун давр мобайнида илк марта бу банкка аъзо давлатнинг миллий муассасаси бўлган "Ўзмиллийбанк"га унинг кредит йўналишлари доирасида тақдим этилаётган маблағларни мустақил равишда тақсимлаш ваколати берилди; айни чоғда "Ўзмиллийбанк" Марказий Осиё минтақаси банклари орасида биринчи бўлиб "Сукук" дастури, яъни ИТБ кафолати билан олинмаган ташқи қарзлардан фойдаланиб, лойиҳаларни молиялаш дастурида қатнашмоқда.

"Ўзмиллийбанк" билан ИТБнинг хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорлиги бир қанча тўқимачилик лойиҳаларини ўз ичига олган бўлиб, "Алишер Навоий Интернейшнл" КК (Андижон вилояти) ва "Ядем Текстиль" КК (Тошкент вилояти) лойиҳалари шулар сирасига киради. "Ўзмиллийбанк" кафолати билан уларга технологик ускуналар сотиб олиш учун ажратилган кредитларнинг умумий суммаси 27,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Беназир амалий обрў-эътибор, халқаро молия муассасаларининг инвестицияларини ўзлаштириш борасидаги

ноёб тажриба Миллий банкка республикаимиз ИТБга аъзо бўлганига ҳали бир йил тўлмасидан, Ўзбекистон хусусий шўъбасидаги инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳуқуқат кафолатисиз 15 млн. АҚШ долларини ҳажмида молиялаш йўналишини очиб имконини берди.

Шунингдек, "Ўзмиллийбанк" кичик бизнес учун миллий экспорт-импорт банклари берадиган қўшимча кредит йўналишларини жалб этиш борасида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мисол учун, айни кунларда банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 апрелдаги "Малайзия билан инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга мувофиқ, Малайзия Экспорт-импорт банки билан 20 млн. АҚШ долларини ҳажмида револьверли, яъни тўлангани сайин яна бериб бориладиган кредит йўналишини очиб тўғрисида қарз битими имзолашга таяёрланаяпти.

"Ўзмиллийбанк" 2005 йилда қўшимча равишда 20 млн. АҚШ долларини ҳажмидаги ОТБ (III) ҳамда 15 млн. евро ҳажмидаги ҚФВ (II) ва бошқа молия йўналишларини жалб этишни режалаштирмоқда.

— Банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти мамлакатимиз бизнеси тараққиётида қандай аҳамиятга эга?

— "Ўзмиллийбанк" халқаро молия муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш натижасида хозирги вақтга келиб, чет эл кредит йўналишларининг маблағларини ҳисобидан хусусий шўъба соҳасининг умумий қиймати 392 млн. АҚШ долларини бўлган 138 та лойиҳасини молиялади. Пировардида экспорт учун махсуслаш ишлаб чиқарадиган 76 та янги корхона ва қарийб 9,5 мингта иш ўрни очилди.

Хозирги кунда 32 корхона банк олдиданги ўз кредит мажбуриятларини тўлиқ бажарди. Қолган корхоналар ҳам ишлаб чиқаришни режа асосида ри-

вожлантириб бормоқда. Бу, ўз навбатида 2004 йилнинг 9 ойи ичида ички бозорда 24,8 млрд. сўмлик товар сотиш ва хизматлар кўрсатиш, 6,13 млн. АҚШ доллари миқдорига ўз махсуслатини экспорт қилиш ва олинган кредитларни ўз вақтида қайтариб бориш имконини берди.

Энди берилган кредитлар таркибининг тармоқлар бўйича кўриб чиқсак, уларнинг 70 фоизидан кўпроги енгил ва озик-овқат саноати, 12,5 фоизи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 17,5 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ривожини рағбатлантиришга йўналтирилган маълум бўлади.

— Хусусий шўъбани молиялаш-

қичини бошлаб берди. Шу ҳужжат доирасида "Ўзмиллийбанк" деҳқон ва фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиб, изчиллик билан амалга оширмоқда. Айниқса, бу борада микрокредитлар ажратилиш масаласига катта эътибор берилаяпти. Зеро, банк микрокредитларга, аввало, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг тадбиркорлик ташаббуси ривожлантирилишини рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий ёрдам турларидан бири сифатида қарамоқда.

"Ўзмиллийбанк"дан микрокредит олган миқозлар эса мустақил тадбиркорлик фаолияти юритиш бўйича даст-

наётган тадбиркорлар фойдалана оладиган тарзда юрифтаганининг самарасидир.

— Хозирги кунда Ўзбекистон тўлов тизимида пластик карточкаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу жараён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қандай кечмоқда?

— Тўлов-ҳисоб-китоб тизимини тақомиллаштириш — энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши аҳоли даражада шу вазифаларнинг амалга оширилишига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари ҳам шу мақсадга қаратилган.

Республикамизда сўм ва халқаро пластик карточкаларнинг энг йирик эмитенти ҳисобланувчи Миллий банк тадбиркорлик шўъбасида замонавий банк хизматларини янада кенроқ жорий этиш ва кўрсатилмаётган хизматлар сифатини яхшилаш борасидаги ишларни давом эттираяпти. Хозирги вақтда "Ўзмиллийбанк" карточкалари мамлакатимизнинг 600 дан ортиқ савдо-сервис корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинмоқда.

Ўз корхоналарида пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи терминалларни ўрнатилган тадбиркорларнинг ўзлари манфаатдор эканликлари тобора яққол кўзга ташланаяпти. Энг янги молия воситалари ҳисоб-китоб жараёни бўйича хизмат кўрсатишнинг мослашувчанлигини таъминламоқда. Бу эса, республикамиз шариоитида жуда долзарбдир.


Пуlining айлинишида пластик карточкалардан фойдаланиш нақд пуллари билан бўлган талабни камайтиради, уларнинг айлинишини тезлаштирилади. Бунда чакана савдо ва умумий оқват-ланиш корхоналари пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган ва товар обороти ҳажмига қараб тўланадиган даромад солигини амалдагидан 20% пасайтирилган ставка бўйича тўлаши мумкин бўлиши шубҳасиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат! Сизга ва Миллий банкнинг жамоасига бундан буён ҳам катта муваффақият ва молиявий барқарорлик тилаймиз!

— Миннатдорман. Мен яна шунчи ҳам таъкидламоқчиманки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги молиявий амалиёт "Ўзмиллийбанк" фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида бундан буён ҳам доимо ривожлантирилиб, тақомиллаштирилиб борилади. Банкда кредит ресурсларидан фойдаланиш жараёнини соддалаштириш борасида тўхтовсиз иш олиб боришмоқда, молиялаш ҳажмлари кенгайтирилмоқда, банк махсуслатларининг янги турлари жорий этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз банклари манфаатларининг тадбиркорлар манфаатлари ва ташаббуслари билан уйғунлиги бунёдкор қушларнинг тобора ривожланиши ҳамда кўп уқладли иқтисодиётнинг муваффақиятли шаклланишининг гарови ҳисобланади.

Ихтиёр ПАРПИВ. 1



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

барча юртдошларимизни Ватанимизнинг бош қомуси — Конституциямизнинг шонли 12 йиллиги муносабати билан самимий ва қизгин муборакбод этади

ва сизларга йиллик 32 фоиздан 38 фоизгача даромад келтирадиган «Фаровонлик», «Саховат», «Болалар — келажагимиз» ҳамда «Эгасининг номи кўрсатилмаган» омонат турларини таклиф этади!

8 Декабрь — Конституция кун

Юртдошларимизни ушбу байрам билан қутлар эканмиз, ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака ва фаровонлик тилаймиз!

«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир!

«Пахта Банк» Кенгаши ва Бошқаруви.

Оммавийликдан Олимпиада сари



Марафон

(Давоми. Боши 1-бетда.)

саклаш вазириликлар, "Ватанпарвар" ташкилоти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий Олимпия қўмитаси, Устелерадиокорпорацияси ва Ўзбекистон Ангил атлетика федерациялари яқиндан ёрдам берди.

лар билан бирга пойтахтимиздаги кўплаб ўқув муассасаларининг талабалари фаол қатнашди. Умум-мамлакат оммавий марафонда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Сурхондарё вилояти вакилларига насиб этди. Бухоро, Наманган, Андижон ва Самарқанд вилоятлари спортчилари кейинги совринли ўринларни эгаллашди. Шахсий беллашувда эркаклар ўртасида тошкентлик Абсам Алиев маррага биринчи бўлиб етиб келди. Тошкент вилояти терма жамоаси аъзоси Марат Низомов ва Тошкент шаҳар терма жамоаси аъзолари Василий Медведевлар иккинчи ва учинчи ўринларни банд этди.

ўртасида навоийлик Ниля Хаитовага тенг келадиган топилмади. Наманган вилояти вакиллари Людмила Лишневская ва Юлия Беловиналар кейинги совринли ўринларни эгаллашди. "Марафон гўзали" соврини навоийлик Екатерина Микляевага топширилди.

— Ангил атлетика олимпия дастуридан ўрин олган асосий спорт турларидан саналади, — дейди мусобақа ҳолибаси навоийлик Ниля Хаитова. — Энг кўп медаллар ҳам шу тур бўйича қатнашган спортчиларга берилади. Умумжамоа ҳисобида олимпиада ўринларида аъзонимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлашда ушбу марафон муҳим роль ўйнайди.

Умуммамлакат оммавий марафонининг тантанали ёпилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ш. Курбонов, маданият ва спорт ишлари вазир А. Азизқўжаев ва бошқалар сўзга чиқиб, ушбу тадбирнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар. Ғолиб ҳамда совриндорларга махсус кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири,
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.



Санъатсевар болалар

Кўни кеча ногирон болалар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги ҳамда «Меҳр ва муруват йили»га бағишлаб "Хайтимиз кафолати", "Меҳр қолур дилларда" деб номланган кўргазма-танлов бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган она Ватан, бахтли болаликни тараннум этувчи кўплаб расмлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Болалар Бадий ижодиёти республика маркази ташаббуси билан ўтказилган ушбу кечда танлов ғолибларига ташкилотчилар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

МИЛЛАТНИНГ КЎЗГУСИ

«Кийим ҳам хусн» мақоласини ўқигач...

«Халқ сўзи»нинг шу йил 14 октябрь сонида босилган Гулчехра Йўлдошеванинг «Кийим ҳам хусн» мақоласини ҳафсала билан ўқидим. Гўё «эйтиборсиз» кўринган турмуш иқир-чиқирларидан муҳим ҳаётий, тарбиявий масалаларга доир жамоатчилик диққатига ҳавола қилинганидан хурсанд бўлдим.

Дарҳақиқат, кийим ҳам хусн. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Муаллиф ёшларимиз кийиниш борасида «бошқа кўчага кириб кетишгандай», деб анча истихоло билан ёзибди. Мушоҳадага қўшилиман: либос — ҳар қандай миллатнинг тарихи-ю урф-одати ва анъаналарини ўзида ифода этувчи омил. Мана шу ўлчов билан қизларимизнинг кийинишларига разм солисак, улар зоҳиран миллийликдан узоқлашиб кетаётгани кўзга ташланади.

Инсоф билан айтганда, вилоятларда унчалик эмас — ҳар холда соф миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги сезилади. Лекин ёшларимиз, айниқса, қизларимизнинг шундай қатлами пайдо бўлдики, улар кийинишда, кийим танлашда миллийлик ҳақида умуман ўйламай қўйдилар. Бу ҳолат, айниқса, катта шаҳарларда яққол сезилади. Афсус. Кўр-кўрона тақлид авжига чиқди. Аксарият ёшларимиз ички маънавий маданиятга аҳамият бермай, фақат зоҳирий кўринишга асосий эътибор қаратадиган бўлиб қолдилар. Ўзбекчилигимиз жаҳонга кўз-кўз қилинаётган бир замонда ўз фарзандларимизнинг миллий либосларга менсимай муносабатда бўлишлари, фикри ожизимча, миллийликнинг нотўғри тусунчалар оғушида қолиши хавфини пайдо қилади.

Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилганда раққосларимиз миллий кийимда рақсга тушадилар. Иштирокчилар эса ажиб бир ҳавас билан томоша қилдилар ва намойишга қўйилган анъанавий буюм-нарсаларимиздан тортиб кийимларгача, қимматга бўлса ҳам, сотиб оладилар. Ўзимизда гоҳо бунинг аксини кўриш мумкин.

Илгари чет эл саёҳати-га чиқиш учун «КГБ» деган кўрkinчи идоранинг юз чиғирғидан ўтиб, сўнгра руҳсат берилар эди. Мана, Яратганга шукур, энди ҳеч қандай тўсиқларсиз четга чиқмоқдамиз, мақсадли сафарлар-у саёҳатларга

Акс-садо

кенг йўл очилди. Аммо, ачинарлиси шундаки, сафар-саёҳатга борганда ўзбекчилигимизни, миллийлигимизни намойиш қилиш, ўрнини топиб ташвиқот қилиш ёдимиздан кўтарилиб қолади. Хорижий мамлакатларга борганимда чет элликлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарлари, умуман, Туркистон ҳақида кўпроқ биلىш истagini билдирганларига гувоҳ бўлганман. Улар миллий либосларимизга ҳавас билан қарайдилар. Таниқли ёзувчи-миз Муҳаммад Али АҚШнинг Сизл университетида маърузалар ўқиганда ўғил-қиз талабаларга ўзбекча либосларни кийдириб, ҳаётимиздан олинган маълум саҳна кўринишларини намойиш эттиришда зал олқишлардан ларзага келганди.

Энди, «Хўш, нима қилмоқ керак?» деган саволга жавоб берсам. Либос маълум бир халқнинг та-

рихи-ю, урф-одати ва анъаналарини ўзида ифодаловчи ҳодиса. «Кийим — ор-номус, орийат, гурур, қадр-қиммат ва хусн». Жуда тўри ва маъқул хулоса. Миллийлик зоҳирдан дастлаб она тилида, хати-харакатлар ва либосда ўз ифодасини топади.

Шу ўринда яна бир тақлиф: янги модалар кашф қилаётган тикув корхоналари ўзбек келинчаларининг келин-бос деб махсус миллий кийимни ишлаб чиқса ва ташвиқ қилса, маъқул иш бўлур эди. Ҳозир республикамизнинг деярли барча шаҳарларида келинчалар ЗАГСга кийиб чиқадиган овурупча оқ кийимларни ижарага берадиган дўконлар пайдо бўлди. Уларни ҳеч ким сотиб олмайди, сепга қўшмайди, фақат ижарага олади. Агарда ЗАГСда киядиган миллий кўйлак-либослар яратилса, улар келинчалар сепига ҳам тушадиган бўларди.

Барчамиз биргалишиб ўйлайлик, мулоҳаза қилайлик ва бу борадаги «ўлчов — мувозанат»ни йўқотмаслик учун биргалишиб фикр юртайлик.

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ, республика Тарихчилар жамиятининг Андижон вилояти бўлими раиси.

коллежи ёнидан чиқиб қолдим. Барча қизлар миллий либосда: эғнида ранг-баранг ҳарир кўйлақлар, бошларида рангли юпка рўмол, бўйинларига эса узун шойи «кашни» ташлаб олишган. Пойабзаллари ҳам соддагина. Тўғриси, уларга ҳавасим келди. Албатта, мен миллий либос деб қизларимизни ўтмишдаги рўдапо кийимлар кийишга ундамоқчи эмасман. Миллий либос — миллий мансублик белгиси эканини муаллиф билан биргаликда таъкидламоқчиман, холос.

Эзгулик йўлига

Кўни кеча Жамиятда «Хавфсизлик йўналиши» деб номланган янги лойиҳа тақдироти бўлиб ўтди. ОИТС касаллигига қарши курашиш ва унинг олдин олишга қаратилган ушбу лойиҳа тўрт йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг барчаси инсон саломатлиги муҳофазасига қаратилган.

— Мазкур лойиҳа бўйича ўқув юртлирида, жамоаларида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, турли хил кўргазмалар воситалар бичириш ниятимиз бор, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раиси У. Воҳидова. — Токи, барча сазой-ҳаракатларимиз эзгуликка хизмат қилсин.

М. ТОҶИЕВА.

КАРАНАТ
Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр, суюқ ва кўмир ёнилғиларида ишлайдиган сув иситиб берадиган қозонлар

ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., 16-А уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-731, 54-062, 8 (371) 100-93-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

КАФОЛАТ
2 йил.

«ХАМКОРБАНК»
Азиз юртдошлар!
«Хамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки сизларга янги омонат турини тақлиф этади.

«Хаммабоп»
деб номланган ушбу омонатга 6 ой муддатга маблағларингизни қўйиб, йиллик 30,2% гача даромад олишингиз мумкин.

Энг кам бадал — 1000 сўм. Омонат бўйича фойз тўловларини ҳар ой олишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (3-3712) 45-62-33, (3-3742) 24-70-91.

«Хамкорбанк» — сиз учун ишончли ҳамкор.

БИЗНИНГ ЁРДАМИМИЗ БИЛАН ЎЗ БИЗНЕСИНГИЗНИ БОШПАНГ

ЧОП ЭТИШ УСКУНАЛАРИ

Canon SHARP XEROX hp

ОФИС УЧУН, НУСХА ОЛИШ МАРКАЗЛАРИ УЧУН, БОСМАХОНАЛАР УЧУН

қулай + ишончли + тежамли

137-68-03

Товар сертификатланган

КАФОЛАТ ТЕХНИК КЎМАК САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ҚОҒОЗ

Эсда тутинг, замонавий технологияларни қўллаш пулгингизни тежайди!

Хамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

2005 йили ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома-жадваллар тузади.

Шартнома-жадвалларни тузиш муддати — 2005 йил 1 февралгача.

Маълумот учун телефонлар: 114-37-03, 114-37-21. Факс: 114-36-90. E-mail: metrolog@sarkor.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти левони Ишлар бошқаруви ҳисобини уриносари Йорихон Вадутович Ҳасановага оғнаси **ОФТОБХОН** янги вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Файз» холдинг компанияси кузатиб кенгаши ва касоба уюшмаси бошқарув раиси Мукаррамхон Азимовга волидиси **ОФТОБХОН** янги вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Гигиена ва соғлиқни сақлаш ташкиллаштирини кафедраси профессори Наима Маҳмудовага фарзанди Дилбар ҚУРБОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

AQUALIGHT
АВТОЗАПЧАСТИ **КАМАЗ** В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ.
Адрес: ул. Аҳмад, 177, (ориентир — ул. Валовий, Шумиловский торақо).
Телефонлар: (998 71) 191-15-06, 191-94-74.

АВТОШИНЫ ГРУЗОВЫЕ
(Производства ОАО "Нижекамскшина")

АККУМУЛЯТОРЫ
(производства Корей Hyundai Enercell Co., LTD)
Новые поступления аккумуляторов "ISTA" (производства Украины).

215/90-15 СЯ-254-1	9,00 R 20 И-Н 142 БМ
9,00 R 20 О-40 БМ	14,00 R 20 ОМ-215 14 сл. усил. с рег. дав.
13,00*530*533 КАМА-410 рег. дав.	

12 V 35 AH	12 V 88 AH
12 V 55 AH	12 V 90 AH
12 V 52 AH	12 V 100 AH
12 V 75 AH	

6 СТ 55	6 СТ 190
6 СТ 60	6 СТ 200
6 СТ 140	6 СТ 225
6 СТ 180	

АВТОВЫЙ ВОКУВАТЕАРМ
ПРЕДСТАВЛЯЕТСЯ
ГИБКАЯ СИСТЕМА ЕВРОКА

Жазони ижро этиш муассасаларининг кўриқлаш мосламаларини капитал таъмирлаш учун мухассаслиги ва руҳсатномаси бўлган ташкилотлар 10 кун ичда қуйидаги телефонларга мурожаат қилишларини сўраймиз.

Тел.: 8-371-71, 3-05-59, 2-68-46, 189-32-63.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўyxата олинган. Булролма Г — 264, 21387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қотоп бичими А-2. Газета IBM компьютерда тералди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Баҳодир Файиев томонидан саҳифаланди. Таҳрирхонада ҳажми 5 доғониди иёлди материаллар қабул қилинмайди. [1]—Тикюрт материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — Х. Эшманов. Мусахҳах — М. Екубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА акуну — 21.40 Топширилди — 22.00 123 56